Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 11 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 44 (6940)

Da'vat

Билимга чанқоқ, истъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Қўшработ туманидаги «Ҳамроз» кичик корхонаси раҳбари Ҳасан Сайфуллаев пойтахтимизда таълим олаётган қўшработлик ёшларга стипендия тўлаш учун ўз ҳисобидан 70 минг сўм пул ажратди.

КЕЛАЖАККА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУР

Тошкентда Ўзбекистон Олий мактаб ходимларининг кенгаши бўлди. Унда республиканинг бир қанча вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, проректорлари ва деканлари иштирок этди.

Кенгашда 5 июнь куни «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» давлат комиссиясининг республика Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган мажлисида муҳокама қилинган масалалар кўриб чиқилди. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар турмушнинг барча соҳаларига чуқур кириб боргани таъкидланди. Бироқ бу ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш даражасига боғлиқ. Афсуски, ҳозир таълим тизимини ислоҳ қилиш етарли даражада тез амалга ошмаяпти ва давр талабларига жавоб бермаяпти, деб қайд этилди кенгашда.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш чоғида иқтисодиётнинг турли тармоқлари эҳтиёжларинигина эмас, миллий анъаналарни, аждодларимизнинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги тажрибасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Мамлакатимизга профессионал билимларни чуқур эгаллаган, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, юксак маънавий фазилатли, ички маънавий маданиятли мутахассислар ниҳоятда зарур. Кенгаш иштирокчилари республикада таълим тизимини ислоҳ қилишнинг Президентимиз Ислом Каримов давлат комиссияси мажлисидаги нутқида белгилаб берган асосий йўналишларни батафсил муҳокама қилдилар. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгиланди. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги дарсликлар, методик қўлланмаларни тезроқ яратиш зарурлиги айтилди. Ўқув жараёнининг ўзи жаҳон андозаларига мос бўлиши лозим. Шу муносабат билан, ўқитувчилар малакасини оширишга, талабаларимизга таълим бериш учун мамлакатимиз ва хориждаги етук олим ва мутахассисларни кенг жалб этишга, республика олий ўқув юртларининг бошқа мамлакатлардаги таниқли ўқув юртлари билан бевосита ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор берадиган пайт келди.

Кенгашда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Орипов, республика бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев сўзга чиқди.

(ЎзА).

ИМТИҲОННИ КОМПЬЮТЕРЛАРДА ТОПШИРИШЯПТИ

Шу кунларда республикамизнинг барча илм масканларида битирув имтиҳонлари давом этаяпти. Битирувчи ўғил-қизлар итмиҳон бўлаётган синфхоналарга ўзгача ҳадик, андак изтироб билан қадам қўйишаётир. Гап шундаки, улар хаёлларидан бутун мактаб даврини, таҳсил йилларини худди кинолентадек бирма-бир ўтказишмоқда. Шу давр ичида устозларни ҳийла ранжитмадикмикан? Муаллимлар берган тушунчаларни тўла ўзлаштира олдикми? Ўқитларини қисман бўлса-да ҳаётда қўллаяпмизми?

Куни кеча ана шундай хаёллар билан тест синови асосидаги кимё фани бўйича имтиҳонга кирган Акмал Икромов туманидаги 297-мактабнинг 55 нафар битирувчиси мазкур фанни нечоғли ўзлаштирганликларини намойиш этдилар. Компьютер орқали имтиҳон топшириш жараёнини ЭҲМ ва информатика фани ўқитувчиси Мунира Зокирова, кимё фани муаллимаси Гулираъно Илҳомова ва биология фани мутахассиси Пўлатой Саидовалар кузатиб турдилар. Ўқувчилардан Отабек Тўхтахўжаев, Азиз Оқилов, Умида Муҳаммадраҳимова, Саодат Мукаррамова, Аллома Зарипова, Шаҳло Ибрагимовалар берилган топшириқларни аъло даражада бажаришди. Хуллас, битирувчи синф ўқувчилари устозлари ишончини тўла оқладилар.

СУРАТЛАРДА: имтиҳон пайтидан лавҳалар акс этган.

Равил АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида Президент Ислом Каримов қаламига мансуб «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг мамлакатимиздаги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари вакиллари, чет эллик журналистлар учун тақдимот маросими бўлиб ўтди.

⊛ Шунингдек, Фан ва техника давлат қўмитасида ҳам бўлиб ўтган ушбу китоб тақдимотида олимлар, янги технологияларнинг муаллифлари, республика ишлаб чиқариш ходимлари иштирок этишди.

⊛ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигининг 5 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга табрик хати йўллади.

⊛ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳам Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцинга ушбу самимий табрик учун миннатдорчилик хати йўллади.

⊛ Кобул билан мамлакат шимолини боғловчи муҳим шаҳарни ҳамон қўлда сақлаб турган Афғонистон собиқ мудофаа вазири Аҳмад Шоҳ Маъсуд тасарруфидаги кучлар толиблар ҳужумини қайтарди.

⊛ Ўзаро жиддий келишмовчиликларга қарамасдан олиб борилаётган Исроил билан Фаластин ўзаро музокараларига Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмида исроилликлар учун турар жойлар қурилиши масаласи халал бермоқда.

⊛ АҚШ Президенти Билл Клинтон Америкада ирқий низо бўлмаслиги керак, дея таъкидлаб, шу сабабли содир этилган жиноятларга бағишланган биринчи конференция ўтказишни мўлжаллаётганлигини айтди.

Tadbir

ЯНА МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА

«Инсон камолоти» дорилфунунининг июнь ойи учун мўлжалланган машғулотига Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раиси, Узбекистон Халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ташриф буюрди. У йиғилганлар олдида сўзга чиқиб, марказ фаолияти яна ҳам жонланаётганини таъкидлар экан, шундай деди:

— Маънавият ҳақидаги суҳбатлар, маърузалар меъдамизга тегмаслиги керак. Чунки ҳаётимизнинг қайси соҳасига қараманг, маънавиятга дуч келасиз.

Марказимизда «Маънавият» нашриётини ташкил этдик. Умумтаълим мактаблари учун миллий дастур тузилаётганидан хурсандмиз. Балки бу дастур асосида маънавиятга дахлдор дарсликларни чоп этишга биз ҳам ёрдам берамиз. Ҳозирги вақтда нашриётимиз Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги олдидан тарихий, илмий характердаги асарларни чоп этишга киришди. Бундан ташқари, «Тарихи Шош» номли тарихий асар ҳам нашрга тайёрланяпти.

Учрашувда Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг маданий мерос кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор М. Имомназаров қатнашди ва сўзга чиқди.

Мухбиримиз.

Munosabat

МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Президент Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 8-сессиясида мамлакатимиз таълимининг бугунги аҳволи тўғрисида айтган фикр-мулоҳазалари том маънода Республикамизда таълим миллий истиқболларини белгилашда янги тарихий даврнинг бошланишига асос бўлди, десак муболаға бўлмас.

Шўролар даврида аввал тўрт йиллик, кейинчалик етти йиллик, саккиз йиллик мажбурий таълим тизими жорий қилиниб, ниҳоят саксонинчи йилларга келганда моддий-маънавий базалар бор-йўқлиги мутлоқ ҳисобга олинмаган ҳолда ўн йиллик мажбурий таълим системаси ҳам жорий этилган эди. Тўғри, ўтган ана шу 74 йил мобайнида фан асосларининг ҳамма соҳалари бўйича кўплаб олий малакали мутахассис кадрлар, геология-минералогия ва медицина соҳасидан жаҳонга машҳур бўлган қатор миллий олимларимиз етишиб чиқдилар. Бироқ, ёппасига эълон қилинган саккиз йиллик ёки ўн йиллик мажбурий таълимнинг самараси кутилган натижаларни бермади.

Республикамиз истиқлолга эришгач, 1992 йилнинг 2 июлида Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилди, унда таълимнинг жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси эканлиги эътироф этилгани ҳолда таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиби, таълим-тарбия ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, масъулиятлари, мақсадлари белгилаб берилган эди. Бироқ, ўтиш даври ҳисобланаётган шу даврда Республика халқ таълими тизимига ҳам реал ҳаётимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир қатор ўзгаришлар киритиш зарурати туғилди.

Маълумки, бизнинг мамлакатимиз демографик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Аҳолининг 10,5 миллиони 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлардир, умумий аҳолининг 39,5 фоизи шаҳарларда, 60,5 фоизи қишлоқларда яшайди. Республикамизда таълим-тарбия етти тилда — ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилади. Негаки, Ватанимиз ҳудудида яшовчи барча миллат фарзандларининг ўз она тилларида таҳсил олишларига кенг имкониятлар яратиб берилган.

Бугун «жаҳон стандарт»и ҳақида кўп гапиряпмиз. Хуш, «жаҳон стандарти» нима? Дунёнинг қайсидир чеккасидаги, қайсидир мамлакатнинг, гарчи у жуда ривожланган бўлса-да бизнинг шароитга мос келмайдиган «стандарт»ини тушунмасли-

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ КЎЗГУДАГИ АКСИ 2-БЕТ.

АМЕРИКА ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ 3-БЕТ.

Xabaringiz bormi?

ҲОЗИРЧА БУ ТАЖРИБА

Ҳозирги замон талаби — фанларни ўқитишда янги педагогик технология асосида ноанъанавий усулларни қўллаб, ўқувчиларга пухта билим беришдир. Замонавий таълим тизимига ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилаётган олимлар ўз бурчларини бажаришда жуда ўткир ва оғир саволларни ечишнинг калитини қидирмоқдалар. Бу саволларга ўқувчиларга тушаётган оғирликни енгиллаштириш, ўқишга қизиқишни тарбиялаш, мустақил ишлашга қуникмалар ҳосил қилиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Шунинг учун услубий системани аниқ ва бир бутун тарзда қуриш мақсадга муваффиқдир. Шунга асосланган ҳолда Жиззах вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг физика-математика ва информатика кафедраси ўқитувчилари томонидан қўлланилаётган услуб ҳозирги замон талабига қисман жавоб беради, деб ўйлаймиз. Фанларни ўқитишда тўсиқлар услуби деб аталган ушбу янги услубдан Жиззах шаҳрининг 6, 7, 10, 14-асосий таълим мактабларида фойдаланилган ҳолда, IV чорак бўйича ўтказилган тажриба шунинг гувоҳидир. Бу услуб асосида ўқитилган мактабларда маълум бир натижаларга эришилди: биринчидан, ўқувчиларнинг фаоллигига ва фалсафий тафаккурининг ривожланишига, иккинчидан математик ижодининг ўйғонишига ва мустақил ишлаш қобилиятининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Бу услуб бўйича ўтказилган тажрибаларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва сифат кўрсаткичи 15—20 фоизга ошди. Ҳозирча бу тажриба, холос. Келгусида бу услубни такомиллаштириш орқали халқ таълими тизимига маълум бир ўзгартиш киритиш мумкин, деган умиддамиз.

С. РЎЗИБОЕВ, Н. МИРЗАҚОБИЛОВ.

Do'st achitib gapirar

Сўлим баҳорнинг сўлим кунларининг бирида таҳририятимизга шикоят хати тушди. Шикоят Чироқчи тумани Айритом қишлоғидаги Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компанияси тасарруфидаги 4-сон ўрта мактабдаги баъзи бир қинғирликлар ҳақида экан. Табиийки, мактуб бизни сафарга чорлади.

АЙРИТОМДАГИ АЙРИЧА МАНЗАРАЛАР

ТАЪЛИМ «ДОПОЛЬНИТЕЛЬНАЯ НАГРУЗКА» ЭМАС

Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компаниясининг Қарши темир йўл бўлимида биз бироз ҳайрон қолдик. Бу ерда таълим-тарбия иши «Соц, вопрос» деган умумий ном билан аталаркан. «Соц. вопрос» билан эса кадрлар бўлимининг бошлиғи Людмила Осланова шуғулланар экан.

Людмила Романовна шикоят билан наридан бери, тез-тез варақлаб танишиб чиқди. «Бизда — деди у, — таълим-тарбиянинг ишига масъул алоҳида штат йўқ. Бу иш Республика темир йўллари марказидаги «Ўқув юртлари бўлими»деб аталувчи бўлимдан бошқариб турилади, биз эса ўз тасарруфимиздаги мактаб ва болалар боғчалари ходимларига ойлик маошларини бериб турамиз, холос. Таълим-тарбия ишига эътибор бериб туриш менга «дополнительная нагрузка»:

Аниқладикки, Қашқадарё вилояти ҳудудида Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компаниясининг Қарши темир йўллар бўлимига қарашли 3 та мактаб, 5 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, бу таълим-тарбия масканларида айни кунда 214 нафар ўқитувчи, 36 нафар тарбиячи ва яна қанча-қанчалаб турли лавозимлардаги ишчи ходимлар меҳнат қилишмоқда. Бу ходимларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси темир йўлчиларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Улар ойлик маошларига 25 фоиз қўшимча ҳақ олишади. Хуллас, Қарши темир йўл бўлимидан ўз тасарруфидаги мактаб ва боғчаларда ишлайдиган умумий ходимларга иш ҳақи учун ҳар ойда бир миллион сўм атрофида маблағ сарфланади. Аммо, Қарши темир йўл бўлимида таълим-тарбияга оид марказ ёхуд бирор бир хона, шу ишга масъул бирор ходим йўқ. Таълим-тарбия борасидаги ишларнинг барчаси бу ерда жамоатчилик топшириғи усулида юритилади.

Таълим-тарбия ишига раҳбариятнинг муносабати шу тарзда бўлса, мактаб ва болалар боғчала-

(Давоми 3-бетда).

Milliy dasturga takliflar

ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧИ

Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Келажаги буюк давлатни таъминловчилар бу — кадрлардир.

Шу кеча-кундузда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни яратиш масалалари ҳал қилинмоқда. Тез орада бу ҳужжатнинг лойиҳаси ҳам тайёр бўлиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Шу важдан биз миллий дастур яратилаётган айни пайтда бошланғич мактаб, унда она тилида ўқитиш масалалари юзасидан айрим мулоҳаза ҳамда таклифларимизни баён қилмоқчимиз.

Узлуксиз таълимнинг асосий қисми бўлган бошланғич таълим ўғил-қизларни саводхон қилишда, билимлар оламига олиб киришда, мустақил фикрлашга қуникма ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бу ўринда бошланғич таълимга бола қайси ёшдан жалб этилиши керак, деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, миллий дастурда болалар 5 ёшигача оилада, ота-она қўлида ёки мактабгача тарбия муассасасида она тилида тарбияланиши қайд этилиб, бу борада ота-оналар масъулиятини ошириш масалалари кўрсатиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўғил-қизлар беш -ўн бир (ўн икки) ёшларида мустақил бошланғич мактаб комплекси (боғчанинг юқори гуруҳлари ва бошланғич I-IV синфлар)да таълим-тарбия олиши маъқулдир.

Биз бу таклифларни муайян тажрибаларга асосланиб айтмоқдамиз. Жумладан, Қарши шаҳрида «Шуртангаз» корхонаси ўз ходимлари болаларини тарбиялаш, ўқитиш учун очган мактаб— «Нодирабегим», «Семурғ» болалар боғчалари қошида ташкил этилган 1-синфларда ўғил-қизларни ўқитиш яхши самаралар бермоқда. Агар болалар боғчасининг юқори гуруҳлари ҳамда бошланғич синфлар бир комплексга бирлаштирилиб, уларга яхлит бирлик сифатида қараб, боғчанинг

(Давоми 2-бетда).

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ҚАЛАМКАШ МУАЛЛИМЛАР

Ўқитувчилик касбининг машаққатли, шарафли меҳнат йўлининг ўзи бу — ижод намунасидир. Устига устак бадиий ижод йўлида қалам тебратувчи муаллимларимизнинг кўплиги қувонарлидир. Уларни қўллаб-қувватлаш зарур.

Ана шу мақсадда яқинда Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти ҳузурида «Қаламкаш муаллимлар» ижодий уюшмаси тузилди.

Уюшманинг 7 кишидан иборат таҳрир ҳайъати вилоятдаги ижодкор ўқитувчиларнинг қўлёзмаларини йиғиб, таҳрир ишларини бошлаб юборди.

Баҳром МАҲМУДОВ.

ГУЛДЕК ОЧИЛИБ, ЯЙРАБ

Ҳазорасп туманидаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернатида ўтказилган «Гул байрами» ўзига хос жиҳатларини намоён қилди. У талабаларнинг гуллар ҳақидаги билимларини синовдан ўтказиш билан бирга, уларнинг гулларга бўлган муҳаббатининг ҳам ўзига хос кўрик бўлди. Айниқса, ёшлар гулларга бағишланган қўшиқлар ижро этишганида, шўх-шўх рақсга тушишганида гулдек очилиб кетишди.

Бу тадбирни ўтказишда биология фани ўқитувчиси Ҳ.Ўринбоеванинг кўрсатган жонбозлиги ташаккурга лойиқ.

М.ОЛЛОБЕРГАНОВ.

БУХОРОНИНГ ИШБИЛАРМОН ҚИЗЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонликка, тежамкорликка интилиб яшаш давр тақозоси. Айниқса, бу фазилатлар ёшларга хос бўлса, келажак ҳам яхши бўлади. Қизлар тежамкор бўлиб ўссалар-чи?! Бу рўзғор бутлиги, оила мустаҳкамлиги гаровидир. Шукрки, юртимизда бундай қизлар кўп.

Эътиборингиз учун Пешку туманидаги ҳунар лицейида Мавлуда Абдураҳимова раҳбарлигида қуроқчилик тўгараги фаолият кўрсатиб келаётир. Унинг 20 нафар аъзоси бор. Тўгаракда қизлар ёстиқчалар, пайпоқ, тагликлар, кўрпачалар сингари турли хил маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Ирода ПЎЛАТОВА.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ТАШАББУС

Андижонча ташаббус вилоятнинг барча соҳасида бўлгани каби таълим тизими ходимларига ҳам бегона эмас. Жумладан, яъни яқинда Бўз тумани халқ таълими бўлими қошида услубий кутубхона ташкил қилинди. Унда билим олиш учун қулай шароитлар муҳайё, барча фанлар учун алоҳида бўлимлар мавжуд. Шунингдек, кутубхонада энг сўнгги матбуот хабарлари билан ҳам танишиш мумкин.

Услубий кутубхонада ахборотномалар, тестлар, ёзма ишлардан намуналар, намунавий дарс конспектлари ҳам мавжудки, бу ўқитувчилар иш фаолиятида ниҳоятда қўл келмоқда.

М.БЕКНАЗАРОВ.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ

(Боши 1-бетда).

гимиз керак, балки ўзига хос демографик хусусиятлар, анъаналаримиз, маънавиятимиз талаб ва эҳтиёжларимизга мос андоза устида бош қотиришимиз лозим. Шунга асосан, концепцияни пухта ишлаб чиқиб, уни тезкорлик билан турмушга тадбиқ этишимиз ҳаётий талаб бўлиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда Президент И.Каримовнинг Республика Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида ҳамда ундан сўнгги бир неча нуфузли йиғилишларда мамлакатимизда халқ таълими тизимини ривожлантириш хусусидаги фикр-мулоҳазалари бугунги кунда Республикамиз халқ таълими олдида турган энг долзарб муаммони ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ечимини очишга йўналтирилган концепция бўлди.

Президент И.Каримов сессияда халқ таълимининг ўзига хос хусусиятларини аниқ кўрсатиб берди. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек республика аҳолисининг 60 фоиздан ошиғини қишлоқ жойларда жойлашганлигидир. Шу муносабат билан бугунги кунда кўплаб ўқувчи ёшлар 9-синфларни битириб, 10—11-синфларда бир вақтда ҳам ўқишга ва ёшлари балоғатга етмаганлиги сабабли ҳам фойдали меҳнатга жалб этилмасдан, очиқ айтганда, ҳаётдан четда қолиб кетмоқда. Ана шундай ёшлар Президентимиз қайд этиб ўтганларидек, республикамизда 700.000 дан зиёд болалардир.

Қишлоқ жойларда бу муаммонинг келиб чиқишига 9-синфни тамомлаб, 10—11-синфларда лицей ёки коллежларда ўқишни давом эттиришга уларга шарт-шароитнинг йўқлигида. Гап шундаки, бизда халқ таълимимиз тизимида маълум синф ҳажмида мажбурий таълим жорий этилган эмас. Шу боис нафақат қишлоқ мактабларида, балки шаҳар мактабларининг ҳам 7-8-9-синф ўқувчиларидан анчагинаси ота-оналари билан савдо-сотиқда дастёрлик қилаётганликлари сабабли кўплаб дарс соатлари қолдирмоқда. Бу ҳол қишлоқ шароитида қишлоқ хўжалигининг мавсумий иш даврида янада кўпроқ кўзга ташланмоқда. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов томонидан эндиликда мамлакатимизда 9 йиллик мактабларда таҳсил олишни мажбурий деб эълон қилиш, учинчи босқич мактабларни эса уч йиллик қилиб белгилаб, маълум соҳага ихтисослаштириладиган, ўрта таълимнинг умумий муддатини 12 йиллик деб мажбурий-ихтиёрий қилиш лозим, деган таклифлари сўзсиз миллий халқ таълимимиз тизимини ўзига хос ва мос равишда ривожлантиришда тарихий бурилиш бўлади. Ёшларимизни ҳаётга тайёрлаш, уларга маълум соҳа бўйича касб-ҳунар ўргатиш, мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Масала ўзининг ҳаётийлиги билан яна шу томондан аҳамиятлики, агар бу кўрсатмаларни профессионализм нуқтаи назарида таҳлил этадиган бўлсак, ундан мамлакатимизда халқ таълимини ривожлантиришда тўрт муаммони бир бутун тарзда атрофлича ҳал этиш лозимлигини яққол кўрамиз.

Биринчидан, 9-синфни тамомлаган ёшларимиз узлуксиз таълимни давом эттириш имкониятларига эга бўлиб, давлатимиз уларга инсон учун энг ҳаётий зарурият бўлган, ўзларининг ҳоҳиш-истаклари билан қизиққан соҳалари бўйича бепул касб эгаллашларини таъминлашни кафолотлайди.

Иккинчидан, ҳар бир ёш олдида турган энг масъулиятли муаммони ҳал этишга, яъни келажакда шахсий оилавий ҳаётга маълум соҳа бўйича ўрта малакали мутахассис қилиб етиштиришга, ўз оиласини иқтисодий жиҳатдан мустақил таъмин этишга ва бошқаришга тайёрлайди.

Учинчидан, 9-синфни тамомлагандан кейин маълум соҳалар бўйича ихтисослашган уч йиллик мактабларда талабаларга фақат олий ўқув юртларида дарс берадиган олий тоифадаги педагогларни жалб этиш масаласидир. Фикримизча, Президент Ислом Каримов томонидан уч йиллик, учинчи босқич мактабларда дарс бериш учун институт ўқитувчиларини жалб этишдан кўзланган мақсад ана шу уч йиллик мактабларда фарзандларимизга фанларнинг, касб-корларнинг аниқ соҳаларидан малакали билим бериш назарда тутилади. Бу масала ўз-ўзидан республикамиз олий ўқув юртларида халқ таълимининг учинчи босқичи — уч йиллик ихтисослашган мактабларда ишлаш учун олий малакали педагог-мутахассисларни илмий-методик жиҳатдан ҳар томонлама пухта тайёрлашни ҳам муаммо, ҳам вазифа сифатида қўяди. Негаки, улар бугунлай бир бошқа оламга, яъни ўқувчилар дунёсига тушади. Шу боис, шундай кадрларни тайёрлаш ёки бўлмаса қайта тайёрлаш борасида кўпгина ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Жумладан, фан асослари бўйича дастурлар, методик қўлланмалар яратишни, ана шундай талаблардан келиб чиқиб педагоглар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институтлари иш режаларини шу кун талаби даражасида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда республикамиз педагогика институтларида мактабларимиз учун малакали педагог-ўқитувчилар етиштириш ишларини давримиз талаби даражасида деб бўлмайди. Гап шундаки, маълум соҳалар бўйича олий малакали педагог-ўқитувчилар етиштириб чиқаришда уларни кўпинча бўлажак касб-корлари бўйича атрофлича илмий-назарий билимлар асоси билан қуроллантиришга тўла эришмаётирмиз. Соҳалар бўйича ўқув режалари жаҳонга юз тутаётган республикамизнинг халқ таълимига бўлган талабларидан анчагина ортда қолиб бормоқда. Жумладан, махсус курсларни ўқитишга ажратилган соатлар кўпинча у ёки бу педагогнинг диссертация мавзусига бағишлаб, бўлажак мутахассис учун зарур бўлган асосий курслар, яъни жаҳон дипломатияси тарихи, жаҳон иқтисоди тарихи, жаҳон маданияти ва маънавияти тарихи каби бўлажак тарихчига зарур фанларга эътибор анча суст.

Бугунги кунда истиқлолимизга эришганлигимиз муносабати билан миллий мафкура, миллий давлатчилигимиз, миллий маданият ва маънавиятимизни миллат сифатида англаб етишимизда катта назарий асос, ўз истиқлол ва миллий тараққиётимизнинг илмий-назарий концепцияси яратилган манбалар — Президентимиз И.Каримов асарларидан келиб чиқадиган тамойилларни ёш авлод онгига таъсирчан шакл ва методлар воситасида, изчиллиқда тўла шакллантираётирмиз деб айта оламизми? Фикримизча, бу борадаги умуммиллат ва умумдавлат аҳамиятига молик бўлган илмий-педагогик ва дидактик фаолиятларимизни зудлик билан такомиллаштирмоғимиз лозим.

Ниҳоят, **тўртинчидан,** ўғил болаларни ўқишда бўлиш даврлари уларни 18 ёшда бўлишларига тўғри келганлиги учун ҳарбий хизматларини 19 ёшдан белгиланиши мустақил Ўзбекистонимиз ҳудудларини ҳимоя қилувчи бўлажак Ватан посбонларини ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва профессионал жиҳатдан тарбияланишларида катта амалий аҳамият касб этади.

Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1-чақириқ 8-сессиясида ҳамда яқинда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» коммиссияси йиғилишида олимлар, мутахассислар олдига қўйган вазифалари, таълимни давр талаби даражасида қайта қуриш хусусидаги кўрсатмалари таълим-тарбиямиз истиқболининг илмий-назарий ва методологик асоси бўлиб қолади.

Турғунхўжа ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг доценти, маънавият ва маърифат бўлимининг бошлиғи,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

ТАЪЛИМНИНГ БОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧИ

(Боши 1-бетда).

юқори гуруҳларида ўйин усулида таълим-тарбия бериш бошланса, янги алифбо ўргатилса, шубҳасиз, яхши натижалар беради. Тажрибалар ўғил-қизларнинг бундай таълим-тарбиясини бошланғич таълимни изчил, узлуксиз давом эттирилишига имкон бераётганини кўрсатмоқда.

Бизнингча, бошланғич таълимга ягона бирлик сифатида қараб бошланғич мактабга нисбий мустақиллик мақомини бериш мақсадга мувофиқдир. Бироқ боғча-бошланғич мактаб бирлигини таъминлаш, ташкил этишнинг шакллари, йўллари, усуллари шароитига қараб турлича бўлиши мумкин.

Яна бир муҳим нарса шундан иборатки, бошланғич таълим-тарбия жараёни она тилида олиб борилиши керак. Ўғил-қизларга бу жараёнда бир тарбиячи, бир муаллим тарбия-таълим бериши лозим. Фанларни предметлар бўйича ўқитиш, турли муаллимларнинг таълим бериши эса 5-синфдан, яъни таянч мактабдан бошланиши айни муддао деб ҳисоблаймиз.

Бошланғич таълимдаги энг муҳим масалалардан бири бу бола миллий тафаккури ва маданиятини шакллантиришдир. Бу иш одатда оила тарбиясидан бошланиб, боғчада ва бошланғич синфларда давом этади. Бола миллий қиёфа, миллий руҳият касб этиши учун, албатта, она тилида таълим-тарбия олиши шарт. Ўғил-қизларнинг чет тилларни ўрганишини эса 12 ёшдан бошлаш керак. Чунки бу ёшда болада миллий онг, миллий тафаккур, миллий маънавият маълум даражада шаклланган бўлади. Зотан, она тилида фикрлайдиган ва яхши ўқийдиган бола чет тилини ҳам 1-2 йил ичида бемалол ва мукаммал ўрганиб ола билади. Ана шундан сўнг бола таълим олишни ҳатто чет тилида давом эттириши мумкин. Бундай ҳолда у миллий қиёфасини йўқотмайди, миллий маънавиятини сақлаб қолади.

Тажрибадан маълумки, бола қайси тилда нутқни эгалласа, ўша миллатнинг руҳияти, маданияти бола қалбини бир умрга забт этади. Бу объектив педагогик қонуниятдир. Ҳаётимиздан баъзи ота-оналар рус тили ёки чет тилини болам кичик ёшлигиданоқ ўрганиб олсин, кейинчалик қийналиб юрмасин, деб педагогик хатоликка йўл қўядилар. Бу ҳол ёт миллатнинг руҳиятини, маънавиятини ўзбек боласига синдиришга олиб келади. Кейин эса у ўзбекча фикрлай олмайди, ўзбек миллий маънавиятини англай олмайди. Мана шу каби педагогик-психологик масалалар ҳам миллий дастурнинг бошланғич мактабга оид қисмида ҳисобга олинса, айни муддао бўлади.

М. ОЧИЛОВ,
профессор,
Т. ГАППОРОВА,
А. НАБИЕВ,
Т. РАСУЛОВ,
доцентлар.
Қарши давлат университети бошланғич таълим кафедраси.

Davlat test markazi tahlili

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ КЎЗГУДАГИ АКСИ

Газетамизнинг бугунги саҳифасида Тошкент вилоятидан 1996 йилда тестда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг натижалари жадвал ва гистрограммалар кўринишида берилди. Вилоятнинг натижаларини Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидагиларни берди:

Фанлар	Вилоятнинг самарадорлиги	Республикадаги ўрни	Республика бўйича ўрта самарадорлик (%)
Узбек тили ва адабиёти	41,68	12	45,41
Математика	39,88	8	40,65
Физика	26,94	7	27,43
Биология	50,39	11	54,64
Кимё	41,01	8	42,82
Тарих	46,67	12	51,22
География	33,78	14	43,33
Инглиз тили	39,51	5	38,81
Немис тили	28,16	6	27,26
Француз тили	30,77	4	29,26

Юқорида келтирилган жадвалга эътибор берилса, Тошкент вилоятидан тестда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари чет тилларидан ташқари барча фанлардан Республиканинг ўртача кўрсаткичларидан паст эканлигини кўриш мумкин.

Вилоятнинг туман ва шаҳарларининг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили қуйидагиларни берди: ўзбек тили ва адабиётидан Пискент тумани, Чирчиқ шаҳри; математикадан Чирчиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ тумани; физикадан Ўрта Чирчиқ, Пискент туманлари, биологиядан Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари; кимёдан Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари; тарихдан Оҳангарон ва Бекобод шаҳарлари; инглиз тилидан Чирчиқ шаҳри ва Янгийўл тумани; немис тилидан Чиноз ва Пискент туманлари; француз тилидан Қуйи Чирчиқ, Қибрай туманларидан тестда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари нисбатан юқори.

Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Тошкент, Янгийўл туманлари ва Янгибод, Ангрен шаҳарларидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари бошқа туман ва шаҳарларнинг кўрсаткичларига нисбатан паст.

Давлат тест маркази 1996 йилдан тест саволларини «Ахборотнома» журналининг 15 та сонида, 1997 йилда эса 12 та сонида чоп этди. Бу йилги олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари 1996 ва 1997 йилларда «Ахборотнома» журналларида чоп этилган тест саволлари асосида ўтказилади. Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, услубий хоналарнинг мутахассислари «Ахборотнома», «Вестник» журналларини битирувчи синф ўқувчиларига вақтида етказишга эътиборни кучайтиришлари, журналлардаги тест топшириқларини ечиш услубларига оид тавсиялар ишлаб чиқиш, тест натижаларининг таҳлилий материалларини чуқур ўрганиб, ўқув режа ва дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритишлари лозим. Бўш ўзлаштирган мавзуларнинг сабабларини ўрганиш, педагог ходимлар малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш, тест натижаларининг таҳлиллари асосида фанлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилаш зарур.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	73	46.61	2	222	59.53	1
2	Оҳангарон шаҳри	23	46.26	3	38	53.80	9
3	Ангрен шаҳри	250	40.20	17	175	56.54	5
4	Янгиобод шаҳри	28	38.10	20	33	57.41	4
5	Бекобод шаҳри	88	43.47	7	92	48.67	19
6	Олмалиқ шаҳри	71	43.82	6	102	58.14	2
7	Янгийўл шаҳри	60	40.60	15	76	57.42	3
8	Қибрай тумани	507	41.99	10	137	52.72	13
9	Оҳангарон тумани	122	38.89	19	27	55.76	6
10	Бекобод тумани	201	44.33	5	30	55.56	7
11	Пскент тумани	179	47.64	1	9	44.14	22
12	Янгийўл тумани	230	40.50	16	40	53.68	10
13	Бўстонлиқ тумани	202	37.62	21	73	49.35	18
14	Бўка тумани	194	41.84	11	18	46.45	21
15	Оққўрғон тумани	192	44.69	4	13	47.44	20
16	Паркент тумани	317	42.36	9	14	55.16	8
17	Тошкент тумани	288	39,86	18	44	50.76	14
18	Чиноз тумани	188	40.93	14	39	50.28	16
19	Ўрта Чирчиқ тумани	288	42.49	8	164	53.51	11
20	Қуйи Чирчиқ тумани	113	41.57	13	109	50.54	15
21	Зангиота тумани	306	41.65	12	47	53.25	12
22	Юқори Чирчиқ тумани	138	36.31	22	165	49.92	17

	Шаҳарлар ва туманлар	Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	38	49.20	1	111	58.18	3
2	Оҳангарон шаҳри	12	32.18	22	22	50.63	8
3	Ангрен шаҳри	83	35.07	20	81	55.28	6
4	Янгиобод шаҳри	13	42.31	6	15	44.63	17
5	Бекобод шаҳри	52	41.35	7	67	50.58	9
6	Олмалиқ шаҳри	33	41.33	8	60	54.21	7
7	Янгийўл шаҳри	25	43.22	4	49	59.47	1
8	Қибрай тумани	217	44.80	3	72	48.11	13
9	Оҳангарон тумани	54	36.78	17	21	55.82	4
10	Бекобод тумани	88	38.76	13	13	55.77	5
11	Пскент тумани	100	42.86	5	5	41.67	22
12	Янгийўл тумани	121	36.18	19	21	48.68	11
13	Бўстонлиқ тумани	119	40.90	10	43	46.64	14
14	Бўка тумани	68	38.48	14	9	41.98	21
15	Оққўрғон тумани	73	41.25	9	6	58.80	2
16	Паркент тумани	177	39.56	12	8	48.61	12
17	Тошкент тумани	151	36.64	18	18	42.44	20
18	Чиноз тумани	88	36.96	16	22	48.86	10
19	Ўрта Чирчиқ тумани	130	45.28	2	85	44.74	16
20	Қуйи Чирчиқ тумани	51	32.84	21	52	43.00	19
21	Зангиота тумани	162	39.73	11	25	44.89	15
22	Юқори Чирчиқ тумани	69	37.20	15	96	44.07	18

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	10	28.33	4	60	38.43	4
2	Оҳангарон шаҳри	5	22.22	22	7	32.54	12
3	Ангрен шаҳри	49	24.15	19	49	34.24	9
4	Янгиобод шаҳри	7	28.17	5	8	24.31	18
5	Бекобод шаҳри	37	23.57	20	47	32.86	11
6	Олмалиқ шаҳри	12	27.55	8	22	38.76	3
7	Янгийўл шаҳри	19	29.68	3	22	39.65	2
8	Қибрай тумани	101	26.79	12	37	32.96	10
9	Оҳангарон тумани	31	27.33	9	11	29.04	14
10	Бекобод тумани	32	27.00	11	6	53.70	1
11	Пскент тумани	46	29.77	2	4	22.92	21
12	Янгийўл тумани	77	25.69	16	12	32.41	13
13	Бўстонлиқ тумани	57	25.00	18	22	27.27	16
14	Бўка тумани	36	27.85	6	2	36.11	6
15	Оққўрғон тумани	39	23.50	21	4	34.72	8
16	Паркент тумани	92	27.66	7	6	23.61	20
17	Тошкент тумани	67	26.04	15	7	19.84	22
18	Чиноз тумани	55	25.61	17	10	37.50	5
19	Ўрта Чирчиқ тумани	87	32.89	1	49	27.49	15
20	Қуйи Чирчиқ тумани	25	26.33	13	21	24.07	19
21	Зангиота тумани	104	27.30	10	12	35.19	7
22	Юқори Чирчиқ тумани	31	26.16	14	50	25.11	17

	Шаҳарлар ва туманлар	Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	15	60.93	4	46	56.64	5
2	Оҳангарон шаҳри	2	76.39	1	6	34.72	22
3	Ангрен шаҳри	57	51.17	10	4	70.83	1
4	Янгиобод шаҳри	5	50.00	12	6	41.20	18
5	Бекобод шаҳри	19	63.16	3	6	50.93	12
6	Олмалиқ шаҳри	18	65.43	2	11	51.52	10
7	Янгийўл шаҳри	8	46.88	17	8	48.61	15
8	Қибрай тумани	169	46.86	18	36	52.01	9
9	Оҳангарон тумани	29	41.19	22	3	40.74	20
10	Бекобод тумани	59	60.22	5	10	52.22	8
11	Пскент тумани	42	56.35	7	2	47.22	17
12	Янгийўл тумани	40	49.17	13	7	51.19	11
13	Бўстонлиқ тумани	50	44.28	21	7	55.56	7
14	Бўка тумани	57	47.81	14	4	47.22	16
15	Оққўрғон тумани	61	53.64	8	2	61.11	2
16	Паркент тумани	71	47.73	15	1	55.56	6
17	Тошкент тумани	68	53.27	9	12	49.54	13
18	Чиноз тумани	47	47.70	16	7	40.87	19
19	Ўрта Чирчиқ тумани	84	50.07	11	20	60.42	3
20	Қуйи Чирчиқ тумани	37	46.40	19	23	48.79	14
21	Зангиота тумани	53	56.97	6	10	38.89	21
22	Юқори Чирчиқ тумани	48	44.73	20	26	57.16	4

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	14	51.98	2	47	47.10	9
2	Оҳангарон шаҳри	2	68.06	1	8	27.78	22
3	Ангрен шаҳри	32	48.09	7	4	49.31	8
4	Янгиобод шаҳри	5	35.56	17	2	41.67	15
5	Бекобод шаҳри	23	48.67	4	9	35.80	19
6	Олмалиқ шаҳри	15	49.07	3	9	44.14	12
7	Янгийўл шаҳри	5	31.11	22	4	40.97	17
8	Қибрай тумани	156	36.89	15	34	45.92	10
9	Оҳангарон тумани	20	32.50	21	2	30.56	21
10	Бекобод тумани	74	43.69	10	11	53.28	5
11	Пскент тумани	37	48.50	6	2	52.78	6
12	Янгийўл тумани	37	37.39	14	5	42.78	14
13	Бўстонлиқ тумани	48	32.75	20	12	41.20	16
14	Бўка тумани	45	35.25	19	2	56.94	3
15	Оққўрғон тумани	49	42.06	12	2	61.11	2
16	Паркент тумани	65	35.51	18	1	75.00	1
17	Тошкент тумани	59	46.66	9	11	43.18	13
18	Чиноз тумани	38	42.69	11	6	45.37	11
19	Ўрта Чирчиқ тумани	66	48.57	5	21	55.82	4
20	Қуйи Чирчиқ тумани	27	36.83	16	21	40.34	18
21	Зангиота тумани	38	46.93	8	11	34.85	20
22	Юқори Чирчиқ тумани	40	38.40	13	26	50.00	7

	Шаҳарлар ва туманлар	Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	24	46.64	11	69	56.68	4
2	Оҳангарон шаҳри	11	55.81	1	11	56.57	5
3	Ангрен шаҳри	124	42.90	17	102	42.95	21
4	Янгиобод шаҳри	12	37.73	22	17	47.71	17
5	Бекобод шаҳри	18	54.63	2	20	56.11	6
6	Олмалиқ шаҳри	23	45.05	16	42	50.66	13
7	Янгийўл шаҳри	28	51.09	4	21	68.25	1
8	Қибрай тумани	127	50.66	5	31	50.27	14
9	Оҳангарон тумани	46	38.22	21	3	51.85	11
10	Бекобод тумани	57	45.42	15	10	46.67	18
11	Пскент тумани	51	47.00	10	2	54.17	8
12	Янгийўл тумани	72	45.79	13	13	54.27	7
13	Бўстонлиқ тумани	37	39.19	20	24	44.44	19
14	Бўка тумани	77	46.61	12	7	51.59	12
15	Оққўрғон тумани	66	53.03	3	5	52.78	9
16	Паркент тумани	82	47.05	9	5	48.33	15
17	Тошкент тумани	80	49.31	6	17	57.52	3
18	Чиноз тумани	62	45.56	14	11	47.98	16
19	Ўрта Чирчиқ тумани	82	48.68	8	64	52.65	10
20	Қуйи Чирчиқ тумани	37	40.99	19	39	42.38	22
21	Зангиота тумани	101	49.28	7	13	64.96	2
22	Юқори Чирчиқ тумани	27	42.08	18	46	43.12	20

	Шаҳарлар ва туманлар	География					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
2	Оҳангарон шаҳри	0	0.00	0	1	52.78	3
3	Ангрен шаҳри	15	28.15	13	0	0.00	0
4	Янгиобод шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
5	Бекобод шаҳри	1	16.67	18	0	0.00	0
6	Олмалиқ шаҳри	1	30.56	11	0	0.00	0
7	Янгийўл шаҳри	0	0.00	0	1	75.00	1
8	Қибрай тумани	1	44.44	2	1	61.11	2
9	Оҳангарон тумани	7	25.79	16	0	0.00	0
10	Бекобод тумани	4	42.36	5	0	0.00	0
11	Пскент тумани	7	34.92	9	0	0.00	0
12	Янгийўл тумани	2	40.28	6	0	0.00	0
13	Бўстонлиқ тумани	5	31.67	10	0	0.00	0
14	Бўка тумани	4	27.08	15	0	0.00	0
15	Оққўрғон тумани	3	61.11	1	0	0.00	0
16	Паркент тумани	12	39.58	7	0	0.00	0
17	Тошкент тумани	8	27.43	14	2	26.39	4
18	Чиноз тумани	1	22.22	17	1	25.00	5
19	Ўрта Чирчиқ тумани	2	44.44	3	0	0.00	0
20	Қуйи Чирчиқ тумани	2	29.17	12	0	0.00	0
21	Зангиота тумани	4	36.11	8	1	22.22	6
22	Юқори Чирчиқ тумани	5	44.44	4	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Чирчиқ шаҳри	36	50.93	1	83	64.12	2
2	Оҳангарон шаҳри	11	46.72	3	15	63.89	3
3	Ангрен шаҳри	82	30.93	22	72	51.85	16
4	Янгиобод шаҳри	14	36.11	14	14	54.76	12
5	Бекобод шаҳри	20	42.08	9	21	54.76	11
6	Олмалиқ шаҳри	21	46.43	4	40	60.14	6
7	Янгийўл шаҳри	30	42.78	7	36	59.41	7
8	Қибрай тумани	156	42.93	6	53	50.89	17
9	Оҳангарон тумани	29	34.39	17	8	60.76	4
10	Бекобод тумани	48	34.32	18	9	53.09	14
11	Пскент тумани	22	33.08	20	2	58.33	9
12	Янгийўл тумани	62	47.98	2	18	58.64	8
13	Бўстонлиқ тумани	35	33.89	19	28	48.81	20
14	Бўка тумани	50	42.39	8	9	33.33	22
15	Оққўрғон тумани	53	36.11	13	5	49.44	19
16	Паркент тумани	70	35.40	15	5	75.00	1
17	Тошкент тумани	97	35.37	16	17	60.62	5
18	Чиноз тумани	71	40.22	11	6	34.72	21
19	Ўрта Чирчиқ тумани	21	32.80	21	25	58.22	10
20	Қуйи Чирчиқ тумани	20	38.61	12	16	52.43	15
21	Зангиота тумани	120	44.49	5	21	50.53	18
22	Юқори Чирчиқ тумани	26	40.28	10	64	53.52	13

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадор

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

ҚАДИМИЙ МУАММО

Америкалик ҳамда даниялик олимларнинг изланишларига қараганда, экология муаммоси ҳам жуда қадимий деб ҳисобланиши мумкин. Греландия оролидаги 3 километр чуқурликдан олинган муз қатламларини ўрганган олимлар муз қатламларидаги мис миқдори тарихда мис кўплаб ишлаб чиқарилган йиллар билан боғлиқлигини аниқлашди. 2500 йил аввал мис танга зарб этиш бошлангач, музликлар ҳаво орқали кучли ифлосланган, бироқ бу бизнинг асримиздагидан 20 марта кам экан.

ИККИНЧИ ТИЛ

Калифорния университетида ўтказилган тадқиқотлар имо-ишоралар ҳақида қизиқарли маълумотларнинг йиғилишига олиб келди. Олимларнинг тахминий ҳисобларига кўра, одамлар ахборотнинг етти фоизини сўзлар, қолганини эса юз, товуш, қўл ишоралари ёрдамида билдирар эканлар. Аниқланишича, имо-ишоралар сони миллиондан ортиқроқдир! Бу — лугат бойлигимиздан юзлаб маротаба кўп демакдир. Кишининг феъл-атворини ўрганишдан психологларга мўл-кўл ишоралар жуда қўл келаркан.

АМЕРИКА ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

***

Энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, АҚШда барча мактабларнинг ўқув дастурини тузиб берувчи ягона таълим вазирлиги йўқ. Бу ўринда асосий мақсад марказлаштиришдан қутулиш ҳисобланади. Мактабларни битираётган ўқувчилар турлича билим, ҳамда тайёргарлик даражасига эга бўлишлари мумкин. Шу сабабли, ўқув даргоҳларининг дастурлари мураккаблиги жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Битирувчи ёшларнинг имконияти жуда кенг, улар мамлакатдаги уч мингга яқин университет ва коллежларга кириб таҳсил олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир талаба ўз тайёргарлиги даражасига қараб бирор бир ўқув юртини танлаши мумкин.

***

Бугунги кунда АҚШда таълим олаётган чет эллик талабалар сонининг ўзи 400.000 ни ташкил этади. Ўқиш учун ҳаммага тенг имконият ҳамда ўринлар мавжуд, бироқ бунинг учун пул тўланади. Шундай бўлсада, абитуриентни қабул қилишда унинг пул тўлаш имконияти умуман ҳисобга олинмайди. Ҳозирги пайтда, хорижий давлат талабаларининг 80 фоизи ўқиш учун пул тўламоқда. Бир йиллик таълим ўртача 15.000 долларни ташкил этади. Қолган 20 фоиз талабалар университет ёки бирор бир хусусий фонддан моддий ёрдам оладилар. Бу сийловга мушарраф бўлиш ўз-ўзидан бўлмайди, моддий ёрдам олиш учун катта рақобат мавжуд. Шунинг учун, фақат энг қобилиятли, тилни мукаммал эгаллаган ҳамда кучли билим асосларига эга талабаларгина бундай кўмакка сазовор бўлишлари мумкин.

***

Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш университет таъсис этган махсус қабул комиссия ёки у кирмоқчи бўлган факультет томонидан амалга оширилади. Абитуриентга моддий ёрдам кўрсатиш ва қабул қилиш мезонларини ҳам ҳар бир университет мустақил белгилайди. Қабул ҳамда моддий ёрдам ажратиш ҳақидаги қарорга таъсир этадиган мезонлар университетлар томонидан белгиланади. Ўқув юртидаги ўринлар миқдори, синовлардаги рақобат, кўрсатилаётган ёрдам миқдори, факультетларда олиб борилаётган изланишлар ҳар йили ўзгариб туради. Юқоридагиларга асосланиб, абитуриент университетга аниқ кира олади ёки моддий кўмак олиши мумкин дея айтиш қийин. Даъвогар ўқувчи аввало барча ўқув даргоҳлари ҳақидаги ахборотни яхшилаб ўрганиб чиқиши ҳамда ўз билим савиясига мосини танлашигина бу кафолатни бера олади. Бунинг учун қуйидагиларга аниқлик киритиш шарт:

1. Билим даражангиз қандай?
2. Ўқиш давомидаги муваффақиятларингиз?
3. Инглиз тилида эркин гаплаша оласизми?
4. TOEFL, SAT, GRE каби тестларни еча оласизми?

Интернет асосида Ойбек ҲАКИМОВ тайёрлади.

Муқаддас туйғудир бу

Ватанимизнинг равнақи учун ҳозирги кун талаби, маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялашни тақозо этади. Уларга Ватан туйғусини, маънавий қадриятларимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни мукаммал, борлигича етказиб, онгига сингдириш биз кутубхона ходимларининг ҳам бурчимиздир. Шу сабабли кутубхона ходимлари, китобхонларни янги келган адабиётлар, янги келган журналу газетлар билан имкон қадар тез ва мунтазам равишда таништириб боришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кунда республикамизда севилиб ўқилаётган, чуқур мунозара ва баҳсларга сабаб бўлаётган «Ватан туйғуси» китобини олиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этдик. Бу китоб институт ўқитувчилари, талабалар ва бошқа китобхонлар томонидан ўқиб чиқиб ўрганилди. Чуқур фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, кутубхона ходимлари китоб муаллифларидан бири, ёзувчимиз Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан учрашув ўтказдик.

Учрашувда Низомий номидаги Тошкент педагогика институти ректори Б. Қодиров, «Маънавият ва маърифат» масалалари бўйича проректор А. Қирғизбоев қатнашдилар. Ҳурматли ёзувчимиз А. Иброҳимов «Ватан туйғуси» китобини ёзишга туртки бўлган омилларни, унинг ёзилиши, мурожаат қилган турли манбалари ҳақида тулқинланиб гапирди.

Ҳурматли ёзувчимиз китобхонларга китобдан ташқари барча ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб бердилар. Ёзувчининг фикрларига қўшимча қилиб шуни айтмоқчи эдим. Бугунги кун ёшларимиз қандай бўлиши керак? Биз уларни тўғри ҳаёт йўлига йўналтира оляпмизми? Бу савол ҳар биримизни қалбан безовта қилмоғи шарт.

Ҳар бир ёш авлод ҳаётда ўз ўрнини топишда биз уларга қандай йўл-йўриқлар кўрсата оляпмиз, йўлланмалар беряпмиз? Шу ҳақда ўйлаб кўрилса фойдадан холи бўлмасди. Эртанги кун эгаларининг қандай бўлиши бугунги кун тарбиячиларига боғлиқ эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Шундай экан, ёшларимизни нима қизиқтиради. Нимага интилиб яшаяпти? Нима билан банд?.. Буларнинг ҳаммаси эътиборимиздан четда қолиши мумкин эмас.

Ёшларимизни истеъдодини, талантини юзага чиқариш учун шароитлар яратиб берилгани ўзи мустақил юртимизнинг ёшларига яратилган жуда катта имкониятдир. Бу имкониятдан фақат ижобий фойдаланиб, мустақил юртимизни ютуғи, фаровон маънавияти ва маданияти юксалган, ривожланган мамлакатга айлантиришда ёшларимизнинг куч-ғайратлари, билимлари етарли, деб ўйлаймиз.

Муҳаббат ХУДОЙНАЗАРОВА,
Низомий номидаги ТДПИ кутубхонаси директори.

ИЛМГА ЭШ УМР

Xotira

Ўзбек адабиётшунослигида Натан Маллаев каби серқирра ва сермаҳсул олимлар эл бахтидир. Шундай фидойи шахслар туфайли фан ривож топади, халқнинг, миллатнинг шуҳрати ёйилади.

Олимнинг тақдири асосан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти билан боғланган. У 1942 йилда институтни тугатади. 1943-46 йилларда институт қошидаги аспирантурани ўтади, сўнг талабаларга сабоқ бериш билан машғул бўлади. 1963 йилда Узбек мумтоз адабиёти кафедрасини бошқарди. Н. Маллаевнинг дастлабки илмий иши «Мунис Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тажрибасидан» номли номзодлик диссертациясидир. Устоз илмий ишларни педагогик фаолияти билан биргаликда олиб борди. Узоқ йиллар давомида адабиёт тарихи билан боғлиқ булган бирорта ҳам дастур, дарслик ёки ўқув қўлланмаларининг олим назаридан четда қолгани маълум эмас. Уларда Н. М. Маллаев муаллиф, тузувчи, муҳаррир ёки энг камида тақризчи сифатида иштирок этган.

Ўқиш-ўқитиш жараёнида фаол иштирок этиш олимнинг олий ўқув юртларидаги катта бир ҳаётий эҳтиёжини чуқур илғаш ва ҳис қилишга олиб келади. Гап шундаки, университет ва педагогика институтларининг талабалари яхши ва мукаммал бир дарсликка ,эга эмас эди. Н. Маллаев ана шундай машаққатли, оғир ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олиш учун куч ва жўраът топа билди. Кўп йиллик изланишлар, уйқусиз тунлар, йиллар чанги билан сарғайган қўлёзмалар орасида «кўмилиб» ишлашлар оқибатида 1963 йил олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида «Ўзбек адабиёти тарихи» юзага келди.

Дарслик яратиш жараёни ва олий ўқув юртларидаги кўп йиллик педагогик фаолияти олимни нафақат Алишер Навоий сингари буюк даҳоларнинг сирли оламига ошно қилди, айни пайтда у шу сирли оламнинг зукко тадқиқотчиси ва толмас тарғиботчисига ҳам айланди. Олим Навоий ижодининг барча қирраларини ўқиб-ўрганишга, унинг илмий баҳосини беришга кўп меҳнат ва куч сарфлади. Шуларнинг қонуний натижаси сифатида «Улуғ шоир ва мутафаккир» (1969), «Навоий ижодининг халқчил негизи» (1973), «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» (1974) сингари йирик тадқиқотлар ва кўплаб илмий мақолалар юзага келди.

Н. Маллаев, айниқса, ёзма адабиётдаги оғзаки ижод анъаналарининг ўрни ва аҳамиятини белгилашга кўп куч сарфлади. Бунинг оқибатида «Халқ оғзаки ижоди тўғрисида», «Алишер Навоий ва мифология», «Эзгулик ҳақидаги мифлар», «Мангулик ҳақидаги мифлар», «Ёмонлик ҳақидаги мифлар» ва бошқа кўплаб катта-кичик ҳажмдаги тадқиқотлар юзага келди.

Профессор Н. Маллаев илмий қизиқиш даражаси ниҳоятда кенг бўлган олимлар қаторига мансуб. Унинг форс-тожик адабиётнинг буюк намояндалари Абулқосим Фирдавсий (1962), Абдураҳмон Жомий (1978), Низомий Ганжавий-(1985)лар ҳақидаги тадқиқотлари олим меҳнати йўналган соҳалардан бирини ташкил қилади.

Н. Маллаев яхши таржимон ҳам эди. Айнийнинг «Қисқача таржимаи ҳолим», Сотим Улуғзоданинг «Рудакий» драмасини ўзбек тилига муваффақият билан ўгирди.

Устознинг бевосита кўмаги ва раҳбарлигида кўплаб адабиётшунослар иш олиб боришган. Улар орасида бир неча фан докторлари ва йигирмага яқин фан номзодлари бор. Улар Н. Маллаев бошлаб берган кўплаб ижодий режаларнинг амалга ошиши учун самарали меҳнат қилишмоқда. Зеро шогирдлар устозлар умрининг давомидир.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Samarqand xabarlari

БАЙРАМ БЎЛДИ

Ўқув йили якуни ўқувчилар учун, ўқитувчилар учун ҳақиқий байрамга айланиб кетади. Боиси бир синф юқорилаган ўқувчилар илмнинг янги бир дунёсига қадам қўйишади, ўқитувчилар эса бири бирига ўхшамаган бу ўқувчиларга бу дунё сирларини қайтадан оча бошлайди.

Бу тадбир, яъни сўнгги қўнғироқ вилоят мактабларида зўр шодиёнага айланди. Айниқса, Самарқанд шаҳри мактаблари ўқувчилари ўша куни ўз жонажон мактабларида жаранглаган сўнгги қўнғироқ садоларидан сўнг бутун шаҳарга ёйилган ўзига хос болалар байрамига чиқишди. Гўёки, ёшу қари ўша куни бир зум болага айланди.

Барча истироҳат боғларида жажжиларнинг самимий, содда куй-қўшиқлари янгради. Иштирокчилар, ўқувчилар ижодкорлик ишлари кўз-кўз қилинган кўргазмаларни томоша қилишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Анвар Бекмуродов ўқувчиларни байрам билан табриклаб, уларга ёз давомида мазмунли ҳордиқ чиқариб, янги ўқув йилига янгича куч-қувват билан келишларини тиладди.

Бу байрам вилоятнинг барча туманларида ҳам худди шундай оммавий тарзда нишонланиб, болалару катталар кўнглига ширин хотираларни муҳрлади.

ТОШБОЛТА ОШИҚ БИЛИМ ЮРТИДА

Раҳматли Зайнаб опа Ҳусан Шариповга «Холмат бор, Самарқанддаги билим юрти ўқувчиларини хурсанд қилиб кел», деб васият қилиб кетган шекилли, яқинда Ҳусан ака шаҳардаги 2-педагогика билим юртига ташриф буюрди. Ўзининг асосан, ҳажвий роллари билан танилган бу санъаткор билан учрашув гўёки, бир дақиқада ўтиб кетгандек туюлган бўлсада, ундан қолган таассурот ҳали ҳануз билим юрти ўқитувчию ўқувчиларининг юзларидаги табассумларида зоҳир бўлиб турибди.

Учрашувда Ҳусан ака ўзи ижро этган интермедия, спектакль ҳамда кинодаги ролларидан парчалар намойиш этди, қўшиқлар куйлади. Қизиқувчан ўқувчиларнинг турли мавзулардаги саволларига гоҳ чин, гоҳ ҳазил тарзида батафсил жавоб қайтарди.

ҲАЛОВАТ КАФОЛАТИ МАВЗУСИДА

Дунё миқёсида табиий офатлар ичида энг хавфлиларидан бири ҳамон зилзила бўлиб қолмоқда. Унинг олдини олиш, олдиндан айта билиш каби масалалари борасида олимларимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилган бўлсада, зилзилага бардошли иморатлар қуриш ишини янада такомиллаштириш шу кунларда асосий вазифадир.

Яқинда Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтида зилзилага бардошлилик муаммоларига бағишланган иккинчи халқаро анжуманда ана шу мавзу муҳокама қилинди. Унда Россия, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги етакчи олимлари иштирок этди.

А. РАҲИМОВ,
Э. МАҲМУДОВ.

АЙРИТОМДАГИ АЙРИЧА МАНЗАРАЛАР

(Боши 1-бетда).

ридаги таълим-тарбия иши қандай экан...

«БАРДОШ»НИНГ ЯНА БИР ОТИ «МЕТИН»МИ?..

Шикоят хати, дарҳақиқат батафсил ёзилган. Ундаги мавжуд 6 та бўлимда 25 та турдаги хато, камчилик, ҳақсизлик ва муаммолар баён этилган. Хат муаллифлари асосан 1994 йилдан буён шу мактабда директорлик вазифасини бажариб келаётган Ортиқ Нуриллаевнинг устидан шикоят қилиб, бу инсоннинг ғайриқонуний ишларини Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компаниясининг «Ўқув юртлари бўлими» бошқарувчилари (бўлим бошлиғи Алишер Ўрмонов), қолаверса, Қарши темир йўл бўлими ходимлари кўрса кўрмай, эшитса эшитмай келаётганлиги ҳақида, мактабда таълим-тарбия иши назоратсизлик оқибатида мутлақо издан чиққанлиги, мактаб директори ва унинг муовинлари камчиликларини кўтариб чиқаётган муаллимларга қилаётган тазйиқлари ҳақида куйиб-ёниб ёзишган. Шикоят қилувчилар бундан бурун ҳам юқори идораларга хат йўллашиб ҳеч қандай натижага эриша олмаганликларини ёзиб, эндиги умидлари адолатли матбуотдан эканлигини билдиришган.

Биз мактабда бўлганимизда шунга иқрор бўлдикки, педагогик жамоада соғлом муҳит бузилган. Меҳр-мурувват, иззат-ҳурмат ўрнини «деди-деди», «гиди-гиди» эгаллаган.

1996 йилнинг 24 апрель кунида мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Очил Ҳайитов ароқ ичиб, ширингина кайф устида мактаб ўқитувчиси Ҳайитмурод Маҳмановни ҳақоратлаб сўкди. Оқибатда суд ҳукми билан директор ўрнибосари нақ 2000 (икки минг) сўм жарима тўлайди-ю раҳбарлик ишини қолган жойидан давом эттираверади. Яна бир мисол. 1996 йилнинг 3 сентябрь кунида мактаб директори Ортиқ Нуриллаев ўқитувчи Бобоназар Шерматовни кураклда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди, «даҳанаки жанг» қилади. Ишлар яна одил судга ошади. Мактаб директори Ортиқ Нуриллаев айбдор деб топилиб, суд ҳукми билан ундан 1600 (бир минг олти юз) сўм ундириб олинади.

Дарҳақиқат, шикоят хатида ёзилгани сингари мактабдаги дарс тақсимоти «яккабош» директор Ортиқ Нуриллаевнинг қўли ва фикри билан амалга ошириларкан. Бу хусусда мактабда алоҳида «дарс тақсимоти» гуруҳи тузилмаган. Муаллимларнинг ҳафталик ўқитаётган дарс соатлари орасидаги фарқ катта. Қайсидир муаллимнинг дарс соати 30 соат бўлса, қайсидир муаллимники 15 соат қилиб тақсимланган. Бунинг оқибатида жамоада норозилик келиб чиққан.

— «Менга ҳеч бўлмаса, 4 соат дарс қўпиб берсин, иплайман! Дарс талабларини тўлиқ бажараман, — дейди муаллима Бибихол Маҳманова бизга мурожаат қилиб. — **Бу ҳақда директордан кўп марта илтимос қилдим. Оиламда етишмовчиликлар кўп бўлгани, атиги 16 соат дарс берган. Айрим муаллимларга менга нисбатан икки баробар кўп дарс берилган-ку?..»**

Шикоят хатида мактаб директорининг мактабга кўпам келавермаслиги, ҳатто баъзан 5-6 кунлаб ташриф буюрмай қолавериши ҳақида ёзилиб, аниқ кунлар ҳам кўрсатилган. Мактаб директори Ортиқ Нуриллаев шикоятда кўрсатилган кунларда ўзининг мактабда бўлган ёки бўлмаганлигини билмайди. **«... Билмадим,** — деди директор, — **баъзан мажлис-пажлисга кетиб қоламан... Ишда бўладида эдим, келмаган бўлишим ҳам мумкин...»**

Гап шу ердаки, директорнинг ҳам, ўринбосарларнинг ҳам кундалик топшириқ ва ишларни қайд этиш дафтарлари йўқ. **«Мен топшириқларни оғзаки буюраман!»** — дейди директор зарда билан.

Шикоят хатида мактаб педагогик кенгашлари, директор ҳузуридаги йиғилишлар, касаба уюшмаси аъзоларининг йиғилишлари, услубий бирлашмалар йиғилишлари, очиқ дарслар ўтмаслиги қайд этилган.

Аниқлашга уриндик. Мактаб педагогларининг охирги кенгаши 1997 йил 24 январь куни ўтганлиги кенгашлар қарорлари дафтарида қайд этилган. Аммо бир гуруҳ муаллимлар **«бу қарор расмиятчилик юзасидан ёзиб қўйилган, аслида кенгаш ўтказилгани йўқ»** деб туриб олишди. Биз эса ҳатто саҳифаланиб, шнурланмаган бу кенгашлар қарорларини қайд этиш дафтарини мактаб кенгашлари режаси билан солиштириб, масалага ойдинлик киритиш мақсадида кенгашлар режасини сўрадик. Мактаб директори Ортиқ Нуриллаев бизга кенгашлар режасини ҳам, директор ҳузуридаги йиғилишлар режасини ҳам кўрсата олмади. Режасиз иш қандай амалга оширилади? Навбатдаги мактаб педагоглари кенгаши қачон бўлади, қандай масалалар муҳокама қилинади, буни ёлғиз Яратгандан бўлак ҳеч ким ҳозирча билмайди... Директор ҳузуридаги йиғилишлару касаба уюшмаси аъзоларининг йиғилишлари ҳақида ҳам шу гап.

Мактаб раҳбарларининг 1997 йил бошидан буён олиб боришган дарс таҳлиллари билан қизиқдик. Ўтган ярим ўқув йили мобайнида мактаб директори Ортиқ Нуриллаев 8 соат, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Очил Ҳайитов 9 соат, илмий бўлим мудири Норқобил Солиев эса 17 соат дарс таҳлил қилишибди. Бундай дарс таҳлиллари билан мактабдаги 65 нафар муаллимнинг ўтаётган дарслари савиясининг юқори ёки самарасизлигини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Мактабда услубий бирлашмалар мутлақо ишламайди. Синф журналларининг юритилишида камчиликлар талайгина. Айрим ўтилган дарслар мутлақо баҳоланмаган бўлса, айрим «ишчан» муалимлар ҳали дарс ўтилмаган кунларга ҳам баҳо қўйишган... кўплаб синф журналарида ўқувчиларнинг қолдирган дарс соатлари ҳам қайд этилмаган...

Яқунланаётган ўқув йилимизда мактабда ҳатто бирор фандан ҳам фан олимпиадалари ўтмабди. Бу қандай ҳол? Бу ердан таълим оламан деб умид билан келиб турган 700 (етти юз) нафарга яқин ўқувчилар юртимизнинг келажаги эмасми? Уларнинг гуноҳи Ўзбекистон Темир йўллари давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли 4-ўрта мактабда ўқиб қолганликларими?..

Шикоят хатида кўрсатилган масалалар бири-биридан мураккаб. Хатда ёзилишича, адолат талаб қилганлиги учун ўқитувчи Бобоназар Шерматов мактаб директори Ортиқ Нуриллаев томонидан доимий тазйиққа учраб келаётган эмиш...

Хатда кўрсатилишича, 1996 йилнинг май ойида мактаб директори Ортиқ Нуриллаев ўқитувчи Бобоназар Шерматовнинг 840 (саккиз юз қирқ) сўм маошини ишдаги хато ва камчиликлари учун жарима сифатида ушлаб қолган. Буни мактаб директори Ортиқ Нуриллаевнинг ўзи ҳам тан олди. Аммо асос қани? Бу ҳақда бирор ҳужжат йўқ. Ушлаб қолинган, вассалом.

1996 йилнинг 22 майида мактаб директори Ортиқ Нуриллаев яна ўша Бобоназар Шерматовни ҳарбий таълим ўқитувчиси ва чақириққача ёшларни тайёрлаш ишлари раҳбарлиги вазифасидан бўшатиб, шу мактабга география ўқитувчиси қилиб қолдиради. Минг афсуски, бу ҳақда педагогик кенгашнинг ва касаба уюшма аъзоларининг қарор ёки фикр-мулоҳазалари йўқ. **«Бу ҳақда Чироқчи туман мудофаа ишлари комиссариатининг № 402 алоқа хати бор эди. Унда Бобоназар Шерматовни ўз вазифасидан олиш сўралганди,** — дейди мактаб директори бизга. — **Афсус ўша алоқа хатидан менда ҳозир йўқ. Уни сизларга кўрсата олмайман...»**

Хуллас, бу ҳақда ҳам мактаб директорида ўзи чиқарган буйруқдан ўзга бирор қоғоз йўқ.

— **Нима, «бардош»нинг яна бир оти «метин»ми? Мен ўзимга қилинаётган узлуксиз тазйиқларга қачонгача чидашим керак,** — дейди ўқитувчи Бобоназар Шерматов. — **Саломатлигим ёмонлашди, касал бўлиб қолдим, шифохонага тушдим. 1997 йилнинг февраль ойида даволандим. Тиббиёт ходимлари томонидан менинг номимга берилган 56346 серия № 058440 касаллик варақамга ҳанузгача ҳақ ололмасдан оворaман. Мактаб директори касаллик варақамни кўлимга қайтариб берди. «Аниқлаб кўраман, балки касал бўлмасангиз-да дўхтирлар билан келишиб касалхонада ётгансиз» — деди... Ахир, менинг ҳам рўзғорим, 8 нафар болаларим бор...**

«Ҳа, шундай — дейди мактаб директори — **Бу киши касал эмаслигини исботлайман. Керак бўлса ўқитувчи Бобоназар Шерматовни даволаган дўхтирнинг бошлиғига ёзма тарзда мурожаат қилганман...»**

Ёраб! Бу қандай гап ахир. Қўлида касаллик варақаси бўлган инсоннинг касаллигини яна қандай қилиб текшириб кўриш мумкин? Наҳотки, орамиздан меҳр-оқибат шу даражада кўтарилиб кетган бўлса? Жамоада ўзаро ҳамкорлик, дўстона муносабатлар билан бир ёқдан бош чиқариб ишлаш дегани шуми?..

ПРОЛЕТАР ДАҲОСИГА ЭЪТИҚОД...

Муаллимлару мактаб раҳбарлари ҳамроҳлигида мактаб хоналарини кўздан кечирдик. 9-»В» синф деб ёзиб қўйилган хонага кирдик. Хона яп-яланғоч, ўқув йили якунланаётганига қарамасдан ҳанузгача ҳатто синф кундалиги чиқарилмаган. Хона ифлос. супуриб-сидирилмаган. Эшигига «5-синф» деб ёзиб қўйилган хонага ҳам бош суқдик. Бу хона олдингисидан ҳам баттар. Хонанинг шипи ва деворларида ҳалқа-ҳалқа ўргимчак тўрлари қалқиб турибди.

Ўқитувчилар хонасига кирдик. Хонада бирорта услубий кўргазма йўқ. Ҳатто, бирорта ҳам муаллимнинг иши оммалаштирилмаган. Очиқ дарслар режаси ва жадвали йўқ. Ўқитувчиларнинг ўзаро дарс таҳлили дафтари ҳатто ташкил ҳам этилмаган.

Ниҳоят мактаб кутубхонасига кирдик. Кутубхона мудираси Т. Нормўродова уюлиб ётган китоблар орасида кўринмайди. **«Ўқувчилардан кутубхона китобларини қабул қила бошладик. Шунинг учун шундай манзара бўлиб турибди...»** — изоҳлади директор.

Хоҳ, ишонинг, ишонманг, китоб жавонларида Ленин асарларидан тортиб Брежнев асарларигача терилиб турибди. СССР тарихи дарсликлари тур-тури билан териб қўйилган... **«Бу китоблар, акт қилинган, бироқ олиб бориб тошшира олганимиз йўқ. Энди олиб бориб, «қоғоз»га тошширамиз»** — деди директор бироз ҳижолат бўлиб.

Насиб бўлса, яқинда буюк истиқлолимизнинг 6 йиллик тўйини нишонлаймиз-ку! Мактаб нурхонасидаги айрича манзараларни кўринг. Мактабдаги 700 нафарга яқин ўқувчи юртимиз келажагини ана шу китоблардан ўқиб ўрганишаяптими?..

Биз Айритом қишлоғида жойлашган Ўзбекистон темир йўллари Давлат ҳиссадорлик компанияси тасарруфидаги 4-ўрта мактабдан ўта ҳорғин бир кайфиятда ортга қайтдик. Рости, кўрган-кечирганларимиздан айримларини ёзиб, кўз ўнгимизда содир бўлган анча-мунча можарою гап-сўзларни сир сақладик. Хулоса ясаб, одил ҳукм чиқариш ишини кўп сонли газетхонларга ва мутасадди раҳбарларга ҳавола қиламиз.

Лукмон БЎРИЕВ,
Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбирлари

ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу мақола чоп этилиши арафасида турганда таҳририятимизга ўша 4-мактаб директори О. Нуриллаев ташриф буюриб, «Маърифат»га шикоят йўллаган Б. Шерматов устидан арз қилди. Унинг таъриф-лашича, Б. Шерматов устомон «ёзувчи», оилада беқарор, отаонага оқибатсиз... хуллас, ичи қора бир инсон экан. Таҳририят унинг танобини тортиб қўйиши шарт эмиш...

Аввало шуни айтиш керакки, таҳририят бировларнинг танобини тортиб қўядиган идора эмас, қолаверса, Айритомдаги маҳалла бошқаруви қаёққа қараяпти? Ахир, Б. Шерматов шунчалар ноинсоф киши бўлса, у билан маҳалла шуғуллансин, маҳалла тарбиялासин. «Маърифат» эса ўз йўналишидан келиб чиқиб мактаб таълим-тарбиясига эътиборни қаратди, холос... Мактабдаги таълим-тарбия ишлари эса юқорида айтиб ўтилганидек, ўлда-жўлда. Фикримизча, бу ҳол юзага келишининг бирламчи сабаби мактабда соғлом муҳитнинг йўқлигидир. Ва токи бунга эришилмас экан, МАКТАБ бугунги кунда тарбия зиммасига қўйилмаётган улкан талаблар ечимига ва таълим жараёнида бўлаётган янгиликлар қўламига асло эришолмайди.

Ko'rgazma

«Дунё болалар нигоҳида»



Албатта, қўшиқ тинглагансиз, шеър эшиттансиз, улардаги гўзаллигу нафосат оҳанг бўлиб кўнгилларга сингишини ҳам биласиз. Бироқ... гўзалликнинг зоҳирий суврати ҳам кўрганмисиз?»

А, лаббай?.. Жуда тўғри. Яқинда пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройида «Дунё болалар нигоҳида» шиори остида ўтказилган ўқувчиларнинг халқаро кўргазмасида ростдан-да иштирок этган бўлсангиз, сизнинг бу жавобингизга сира иштибоҳда эмасмиз.

Гапнинг индаллосини айтганда, кўргазмада рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат бўйича республикамизнинг турли жойларидан ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган ёш иқтидорларнинг энг яхши иш намуналари кўрилиб, 20 га яқин болалар ғолиб деб топилди.

Кўрик-танловда қатнашган бир гуруҳ иқтидорли ёш мусаввирлар Ўзбекистон Бадиий академияси таркибидаги республика бадиий коллежига қабул қилишга тавсия этилди.

Суратда Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевни ёш рассомлар қуршовида кўриб турибсиз. Демак, бу ҳам кўргазманинг нақадар кўтаринки руҳ ила ўтганлигининг яна бир лавҳаси.

Алишер НАЗАР.
Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Fanimiz fidoiylari

КИМЁГАР

Тошкент Давлат университети кимё факультети органик кимё қафедрасининг мудири, Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор Қудрат Аҳмедовнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар солар экансиз бутун куч ғайратини фан равнақига бахш этганлигига амин бўласиз. Қ.Аҳмедов 1956 йили ТошДУнинг кимё факультетига ўқишга кирди ва уни 1961 йили органик кимё иқтисослиги бўйича муваффақиятли тугатди.

У атоқли устозлари академик И.П.Цукерманик, профессор А.Р.Абдурасуловалар бошлаган илмий ишларни давом эттириш билан бирга янги ўзига хос усул билан иш олиб борди. У кимё фанлари номзоди, сўнгра доктори илмий даражасини олди. Олимнинг илмий изланишлари фенол ва унинг ҳосилаларини кам миқдордаги катализаторлар иштирокида алқиллаш мавзусига бағишланган бўлиб, у томонидан яратилган юқори иқтисодий самарали синтез усуллари халқ хўжалигига татбиқ қилинди.

Профессор Қ.Н.Аҳмедов раҳбарлигида синтез қилинган ТМК-9 препарати Узбекистон Республикаси тери ва таносил касалликлари илмий тадқиқот институтида қўлланилиб келинмоқда. Унинг органик кимё фани соҳасидаги ютуқлари нафақат республикамизда, балки кўпчилик мамлакатларда эътироф этилди. 1995 йили К.Н.Аҳмедовни Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзоси қилиниши юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Қ.Аҳмедов органик кимё соҳасида яратилган қатор ўқув методик қўлланмалар муаллифи. У университетларда бакалаврлар тайёрлаш учун органик кимё фанидан ўқув дастури тузди ва узбек тилида «Органик кимё усуллари» ўқув қўлланмасини ёзди. Бу қўлланма мазкур дастурга тўлиқ мос келиб, республикамиздаги барча университетларда асосий дарслик сифатида фойдаланилмоқда.

Ҳозирги даврда органик синтезда «C_1 молекула кимёси» деб номланадиган муаммо вужудга келган булиб, таркибида битта углевод атоми тутган — CH_4, CH_3OH, CO, CO_2 каби оддий бирикмалардан турли синф органик бирикмаларни олишга бағишланган. Бу долзарб масалани ҳал қилишда маҳаллий хомашё — газ ва газоконденсат жуда асқотади.

Қ.Аҳмедов кафедра ўқитувчилари билан ҳамкорликда шу айтилган хомашёдан турли органик бирикмаларни олиш учун илмий тадқиқот иш режаси тузмоқда. Ёши олтишга етиб, шундайин катта мақсадлар-ла яшаётган Қудрат акага куч-қувват, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

Ш.ҚУРБОНОВ.



Chellenjer

КАТТА ПАРВОЗ ОЛДИДАН

Мана, ниҳоят Тошкентдаги «Динамо» теннис саройида бир неча кун давом этган теннис бўйича аёллар ўртасида халқаро Челленжер мусобақасини ҳам сарҳисоб қиладиган вақт етиб келди. Хўш, бу турнир кимларга нима берди?

Аввало, бу мусобақа кўп сонли спорт ишқибозларига қизиқарли спорт байрамини ҳадя этганлигини таъкидлаш жоиз. Бевосита турнир қатнашчилари ҳақида гапирадиган бўлсак, шу ўринда бир ҳақиқатни ошкор этмоқчимиз. Тошкентда бўлиб ўтадиган ҳар қандай спорт мусобақаси кўпгина спортчилар учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтайди. Гўёки улар катта довон олдидан Тошкент «ҳавоси»дан нафас ростлаб олишади. Жумладан теннисчилар ҳам. Биргина теннис учун аньанавий Президент кубогида қатнашиб ғолиб ва совриндор бўлган кўплаб теннисчилар кейинчалик катта зафарлар қучишаётганлиги ҳам фикримизга далил бўла олади.

Бўлиб ўтган ушбу мусобақада ҳам теннисчиларнинг нафис, мардонавор ҳаракатларини кўриб гўёки эртанги кун Сабатиниларини, Граффларини кашф этгандек бўлдик.

Бунда гўзал қизлар парвоз қилишди, гўё. Барчадан юксакроқ парвоз қилган мексикалик теннисчи Анжелика Гавальдон эса мусобақа ғолиби бўлди.

Ғолибга мусобақанинг махсус кубоги ва 8800 Америка доллари топширилди.

Рустам БОЙМАТОВ.

Суратда: А. Гавальдон ғалаба қувончи оғушида.

Р. ҒАНИЕВ олган сурат.

ОЙДААГИ ДАЪВАТ

Dunyo tilsimlari

1969 йилнинг 16 июни. Соат 9.31

Флориданинг иссиқ ва дим ҳавосига қарамасдан, 55 ўлкадан 3 минг 493 мухбир ва 1 милёнга яқин инсон бир неча километр узоқликдаги зариф бир фазо кемасининг учишини кутяптилар. Лекин қизиқувчилар фақат булардангина иборат эмас ва ер юзининг турли бурчагидаги 100 милёнларча инсонларнинг диққат-эътибори кемага қаратилган эди.

Бунчалик катта ҳаяжонга сабаб бўлган ва балки дунё яратилганидан бери энг кўп қизиқиш уйғотган бу ҳодисанинг сири нимада экан? Бу суроқнинг жавобини астронавтларнинг устози сифатида танилган Вернхер Ван Броундан эшитайлик:

— Шу пайтгача Ойга томон қилган инсонсиз учирилишларимиз бизга бирмунча маълумотларни берган эди. Фақат Нейл Армстронгнинг ойдаги илк қадамлари инсонликнинг юксалишида янги поғоналарни очади ва ташкил этади.

Ҳа, инсон ўғли ҳаёт бешиги бўлган бу заминдан айрилиб, биринчи марта бошқа бир заминга оёқ босиш арафасида эди.

Соат 9.32.

«Аполлон-11»нинг кучли сатурн моторларидан гуриллаб чиққан олов ва тутунлар ойга биринчи марта оёқ босажак астронавтнинг (Нейл Армстронг, Эдвинг Олдринг ва Мишел Коллинз) кемасини Ер орбитасидан олиб чиқди.

«Аполлон-11» кўтарилишидан роппа-роса 102 соат 47 дақиқа кейин Ойга юмшоққина қунди ва Нейл Армстронг тўқиз поғонадан иборат зинапоядан тушиб, Ойга биринчи маротаба қадам қўйиш шарафига муяссар бўлди...

Фақат, Армстронгнинг 14 йилдан кейин етишадиган нуқтаси унинг ўзига Ойга чиқиб қозонган шарафдан бир неча бор юқори даражадаги шарафни берди.

Ҳа, орадан 14 йил ўтиб, 1983 йилнинг февраль ойи келди. Армстронг бир конференсия боис ҳаётида илк дафъа бир Истиқлом ўлкасига — Мисрга келган эди.

Конференсия ниҳоясига етаётган бир пайтда Армстронгнинг турган жойида ранги оқариб, ғалати бир аҳволга тушиб қолганининг гувоҳи бўлишади. Деразалардан ичкарига эшитилаётган овозни Армстронг жон қулоғи билан эшитар эди. Бир пайт бирдан Армстронг қаттиқ сесканди, талвасага тушиб: «Бу қанақа мусиқа?!» деб ҳайқирди.

Мисрликлар кулгидан ўзларини зўрға тутиб олдилар. Кейин жавоб бердилар: «Бу мусиқа эмас, азон... черков қўнғироқлари каби жомеъ ининг азони, Аллоҳнинг қудратини коинотга эълон қилган ва бизларни қутулишга чақираётган илоҳий даъват».

Шундан сўнг Армстронг айтган гаплар вужудларни сесканда, яъни, бошимда эмас, Ойда топдим!..

У уч-тўрт дақиқа жим қолди, бу ҳаяжон ўлароқ унинг оғзидан қўйидаги сўзлар чиқди:

— Мен Ойга «бисмиллоҳсиз» оёқ қўйган эканман, энди «бисмиллоҳ» дейман ва бундан сўнг мен ҳам мусулмонларданман.

Ҳа, Ойга кўтарилиб, унга илк бора қадам босган Армстронг мана шу воқеа сабабидан ҳаётидаги маънавий юксалишнинг илк қадамларини ҳам қўйган эди.

ОЙДА

1969 йил 20 июль.

Ойга қадам қўйган инсон ушбу сўзларини бутун дунёга эшиттирди: «Бургут Ойга қунди!»

«Аполлон — 11» гуруҳидагилар — Олдринг, Коллинз, Армстронг кучли ишончли бир христиан (насроний) эдилар. Кутилмаганда улар Ойда ғалати бир «жисм» кўриб қолдилар. Уша пайтдаги ҳамма гаплар лентага ёзиб олинаётган эди. Астронавтларнинг «ғалати жисм» ҳақидаги сўзлари лентага шу тахлитда ёзилиб қолган:

Астронавт Олдринг: «Очиқ китоб шаклидаги бир нарса бор бу ерда. Роса турғунликлар денгизининг устида».

Астронавт Армстронг: «Икки ҳалқа каби, тўғрироғи, бир китобга ўхшайди».

Астронавт Коллинз: «Секстантнинг мурватини ўзгартирганимда аниқ китоб шакли эканлиги янада яққол кўринянпти».

Ер назорати: «Нималар деяпсизлар ўзи, Ойда китоб нима қилади?»

Овозлар лентага қайд этиларди. Эртаси куни китоб йўқ бўлиб қолган, аммо энди ташқи бир иллат радиони тўхтовсиз равишда банд қиларди. Ёнғинни ўчириш машинасининг сигналига ўхшаган бир овоз келарди.

Коллинз: «Ер, мени эшитяпсизми, шу овозни тезда йўқотинг, (бўлмаса) қулоқларим том битаёзди»...

Ер: «Бу овоз биздан эмас, бошқа бир жойдан. У ерда сиздан ташқари бирор бир кеманинг йўқ эканлигига аминмисиз».

Армстронг: «Энди эса мусиқа ўқ бошланди. Ер, шу шовқинларни йўқотасизми, йўқми?»

Ер: «Бизда ҳамма нарса рисоладагидай ишлаб турибди. Мусиқа овози сизлардан келяпти».

Олдринг: «Ҳеч келишолмаймиз шекилли. Ахир, бу мусиқа сизлардан келяпти-ку!»

Эртасига Армстронг Ойга қадам қўйди. «Бургут қунди!» дерди у ҳаяжон билан. Ҳа, бунда биринчи марта инсон Ойда юрарди. Бирдан яна ўша сигналга ўхшаган овоз келди. Аммо бу сафар (лентага ёзилиб) шу сўзлар эшитилди:

«РОББИ-АЛ АРЗ — ДИНИ ИНДА ХУ — ИЗА — КУН — АЛИЙМ»

Ер: «Эй, ким гапиряпти?»

Бу пайтда Армстронг Ойда юрарди. Тағин мусиқасимон овоз кела бошлади:

«АШҲАДУ АЛЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ»

(Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир.)

Ер: «Яна ўша учар объектларми? Ҳалиги мусиқанинг сўзлари қанақа эди?»

Коллинз: «Ашан маҳатма росамбалла...» дегандай бўлди. Бу ҳиндчага ўхшайди...».

Армстронг: «Мен уни (юқоридаги арабча калимани — муҳ) охиригача эшитдим. Юракка ҳузур беряпти. Менимча Африқо радиоларидан бири...»

Олдринг: «Фрекансни ўзгартирдим, яна айнан ўша овоз. Бу овоз Ойдан келяпти. Радио тўлқин эмас. Ишониш қийин бир нарса...»

Ер: «Ақлдан оздингизми? Ҳавосиз жойда овоз нима қилсин?»

Коллинз: «Нима бўлмаса? Учувчи объектларми?»

Армстронг: «Китоб шаклидаги учар объектлар бўладими?»

Ер: «Номаълум бир хасталик. Фазодаги бирор тўлқинмикин? Бу овозлар, китоб, оҳанг бир хаёл бўлса керак?»

Армстронг: «Хаёлни камера суратга ололадими? Хаёлот бир овоз бўлиб магнит лентасига ёзиладими?»

Ер: «Хўп, лекин ҳавосиз бўшлиқда овоз тарқаладими?..»

Орадан маълум вақт ўтиб астронавтлар Ерга қайтиб тушишди.Кассеталар яна бир марта эшитилди, эшиттирилди. Бу борада масъул котиб вазифасида ишлаётган Ал-Баз билан маслаҳат қилинди. Бу катта олим Ойда эшитилган «мусиқа» сўзларнинг арабча муборак бир жумла эканлигини маълум қилди.

Сал кейинроқ айни жумлани «Аполлон — 16» кемасининг астронавти Ворден ҳам эшитди. Аслида, ҳеч кимнинг кунгли тулмаган эди. Бироқ, барибир нима бўлганда ҳам улар имкон борича бу янгиликни олам аҳлидан сир тутдилар.

«Илоҳий мўъжизалар» китобидан олинди.

Xullas...

СЮРПРИЗГА ОШИҚМАНГ...

Веналик 20 яшар Генрих Шотт ғаройиб эрмак топди. У бекорчиликдан зериккан пайтлари кўча автомат-телефонидан полиция маҳкамасига қунғироқ қилиб, «фалон ерда, фалон вақти, кучли портлаш юз беради, огоҳ бўлинг», дея ваҳима қузғашга одатланди. Буни қарангки, унинг шундай ёлғон-яшиқ хабарлари яқинда 100 мингдан ортиқ кишининг ҳаётини сақлаб қолди!Ушанда Генрих полицияга қунғироқ қилиб, метрога ғоят кучли портловчи моддалар қўйилганини, бир соат ичида метронинг қули кўкка совурилишини ўзича тўқиб хабар қилганди. Табиийки, полиция, давлат хавфсизлик хизмати дарҳол оёққа қалқиб, портлаш хавфи бўлган метро станциясига етиб келишди ва... ростдан ҳам метро устунларининг бирига ғоят кучли портловчи модда ўрнатилганини аниқлашди! Генрих бу воқеаларни телевизор орқали кўриб ўтираркан ўз фолбинлигига ўзи қойил қолди. Айниқса, гўзал диктор қизнинг сўнгги эълони уни роса ҳовлиқтириб юборди. Дикторнинг хабар беришича, портлаш хавфидан огоҳлантирган шахсни полиция маҳкамасида нақд 500 минг АҚШ доллари миқдорида сюрприз кутаётган экан! Генрих дўстимиз ҳеч иккиланмай полиция маҳкамасига қуш бўлиб учди ва... тез орада ўзини ҳашаматли мукофотлаш хонасида эмас, панжара ортида кўрди! Чунки полиция ундан портловчи моддаларни ким ўрнатганини айтиб беришни талаб қилганди! Ниҳоят, Генрих бойвачча ота-онасининг кўмагида 500 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаб, сюрприз нелигини билди!..

ХАСИС ХОНИМ

Хенретта Грин битта банкнинг ўзида 32 милён доллари бўла туриб, бемор ўғлини ётқизиш учун бепул даволайдиган касалхона қидирди. Афсуски, Америкада бундай касалхонани топиш қийин. Оқибатда, даволаш вақти кечиккани туфайли шифокорлар хасис хонимнинг ўглининг бир оёғини кесиб ташлашга мажбур бўлдилар. Айтишларига қараганда Хенретта фақат сули бўтқасини еб, қорин тўйдирар экан. Тағин, олов ёнга қолсин, деб кўп ҳолларда овқатни совуқлигича паққос туширишини айтмайсизми. Айни кунда хасис хоним Хенретта тўплаган пул 95 милён доллардан ошиб кетди!

«МОНА ЛИЗА»НИ КЎРГАНМИСИЗ?

Албатта, йўқ. Чунки Леонарда до Винчининг бу картинаси дунёдаги энг қимматбаҳо санъат асари ҳисобланади. Уни Фаранг қироли Франзиск-I 1517 йилда ўз ваннахонасига осиб қўйиш учун 16 килограмм олтин эвазига сотиб олган! Фаранг қироли ўлиб кетди. «Мона Лиза» эса ҳамон Парижнинг энг нуфузли музейларидан бирига курк бериб турибди.

ana shunaqa gaplar

7 июнь куни ТошДУ ҳарбий кафедраси одатдагидан ғавжум бўлди. Бу ерда тўпланган талабалар, кафедра мураббийлари, ота-оналарнинг юзларида ўзгача ҳаяжон. Хўш, бунинг сабаби нима эди дерсиз? Сабаби оддий. Шу куни бу ерда ушбу ўқув йилини якунлаётган талабалар Ватан олдида мард ва жасур зобит бўлишга тантанали қасамёд қабул қилишди ва шунга бағишланган катта маросим бўлиб ўтди. Ушбу тантанага ота-оналарнинг таклиф этилиши ҳам бежиз эмас. Улар ўзлари ўстирган фарзандлар камолини, уларнинг мағрур туриб қасамёд қилишларига бевосита гувоҳ бўлишиб, чексиз ғурур туйғуларини ҳис этдилар. Маросимда кафедра бошлиғи полковник А. Камолов талабаларни ушбу унутилмас кун билан қизғин табриклади.

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ

Бердақ БОЙИМБЕТОВ.

ЎН ЙИЛЛИК «ТАНАФФУС»ДАН СЎНГ

Шароф Рашидов номидаги 20-ўрта мактаб Нурота туманидаги энг намунали билим масканларидан бири ҳисобланади. Яқинда ана шу мактабда ажойиб бир тантана бўлиб ўтди.

1987 йилда 36 нафар ўқувчи-ёшлар мазкур илм даргоҳини тугаллаб, ҳаётга йўлланма олишганди. Орадан 10 йил ўтиб улар жонажон мактабларига ташриф буюришди.

Шодиёна даврада қўр тўкиб ўтирган устоз — мураббийлар Ф. Эрназаров, Ф. Умаров, Т. Бекмуродов, О. Шакаров, И. Эгамов ва барча муаллимларга шогирдлар томонидан айрича иззат-икром кўрсатилди, уларга меҳр туйғуларининг бетакрор гулдасталари армуғон этилди.

Ўн йиллик «Катта танаффус»дан кейин қайта учрашган собиқ синфдошлар шу куни беназир ва беғубор болалик йилларига қайтгандай бўлишди. Чарх уриб ўйинга тушишди, минг чандон яйрашди...

Шогирдлар номидан сўзга чиққан, бугунги кунда Навоий вилоят ички ишлар бошқармасида хизмат қилаётган Э. Дўсанов лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида мактаб номи ёзилган мармар лавҳани эҳтиром рамзи сифатида тантанали суратда топширди.

Жўрақул ИСКАНДАРОВ.

МЕҲР ЧАШМАСИ

Инсон хулқи атворининг қайси бир жиҳатларида муаллимлик деган шарафли қисматнинг белгилари мужассамлашган бўлади. Азиз ва мўътабарлик билан сийланган муаллимлик касбини ҳар бир мурғак қалб, болаликнинг оёқяланг кўчаларида бир марта бўлса ҳам орзу қилади. Қулоғимда ҳануз она алласидек қадрдон илк қўнғироқ садоси билан уйғунлашиб кетган энг чиройли ўқувчилик йилларимни энди энтикиб соғинаман. Самарқанд вилояти,Каттақўрғон туманидаги Мамашариф Тоғаев номли 20-ўрта мактаб, мен учун болалик туйғуларим, эрка фаслим, ақлимни тебратиб вояга етказган муқаддас бешикдир.

Ҳар гал қишлоққа борганимда ўқитувчиларим олдидан муборак қарздорлик ҳисси билан қайтаман. Севиниб қаршилайдиган ўқитувчим Зайнаб опа Бердиеванинг чеҳрасидаги табассумдан кўнглим ёришиб кетади.

Зайнаб опа 16 йилдан буён мактаб даргоҳида болалар меҳри билан яшаяптилар. Яқинда меҳнат фани бўйича ўтказилган семинардаги фаол иштироклари учун «олий тоифали ўқитувчи» бўлдилар. Дарҳақиқат, онанинг қирқта жони болам деб ҳайқириб яшаса, муаллимнинг бутун умри болалар учун фидо бўлади.

Муаллим бола қалбининг харитасини ўрганувчи буюк зот. Уларни ардоқлаш ўқувчиларнинг ҳам бурчимиз. Мен ана шу туйғу билан, келажагимиз эгалари бўлмиш болаларни илм-маърифатли қилиб ўстириш, уларни аждодлар ёдига садоқатли қилиб тарбиялашдек масъул ишда Зайнаб опага омад ёр бўлсин дейман.

Гулжамол АСҚАРОВА.

Sport maydonchasi

«ФОРМУЛА — 1» ПУЛДОРЛИКДА ҲАМ...

Спорт энг сердаромад соҳалардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳам, айниқса, «XX аср гладиаторлари» номини олган биринчи русумдаги автопойгачилар ўз аньаналарига содиқ қолиб бошқа тур спортчиларини анча ортда қолдириб кетишди. Айтайлик, немис пойгачиси Михаэл Шумахер «Феррари» компанияси билан тузган шартномага мувофиқ бир йилда 27 миллион доллар олар экан.

... МАШҲУРЛИКДА ҲАМ БИРИНЧИ

Халқаро автоспорт федерациясининг хабарига қараганда «Формула — 1» автопойгасини ўтган бир йил давомида 202 мамлакатдан 41 миллиард телетамошабин кўрибди. Агар БМТга 185 мамлакат аъзолигини ва энг оммавий спорт тури бўлган футбол бўйича охирги 1994 йилги жаҳон чемпионатини ҳам 32 миллиард киши телевидение орқали томоша қилганлигини ҳисобга олсак, ҳақиқатдан ҳам уларнинг натижаси катта кўрсаткич-да. Шундай эмасми?!

КАТТА БЕЛЛАШУВГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК

1998 йил Қолмиғистон пойтахти Элиста шаҳрида 33-жаҳон шоҳмат Олимпиадаси ўтказилади. Шу муносабат билан шаҳарда 180 уй, шоҳмат саройи, маданий-маърифий марказдан иборат шаҳарча қурилиши бошлаб юборилди.

СЕНА ДАРЁСИДА СУЗИШАДИЛАР

Самарқандда академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда нукуслик Баҳодир Давлатёров, Владимир Тришенко, бекободлик Темур Ғаниев, Наталья Вершининалар ўз маҳоратларини намойиш этиб, рақибларини анча ортда қолдиришди. Вакилларимиз шу йилнинг август ойида Францияда бўладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ҒАЛАБАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Футбол бўйича Ўзбекистон 6-миллий чемпионатининг 11-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Тошкентда «Андижон» жамоасини 8—1 ҳисобида мағлуб этган «МҲСК» жамоаси қаторасига 11-ғалабани қўнга киритипди ва пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамлаб олишди. Қолган учрашувларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Янгиер» — 2:2, «Хоразм» — «Чилонзор» — 2:1, «Зарафшон» — «Насаф» — 1:1, «Атласчи» — «Навбаҳор» — 1:2, «Нефтчи» — «Суғдиёна» — 3:1, «Дўстлик» — «Сурхон» — 1:0, «Косонсой» — «Пахтакор» — 2:1.

«ЯШИЛ ЧИРОҚ» МУСОБАҚАЛАРИ

Йўл ҳаракати қоидаларига бағишланган Тошкент шаҳар «Яшил чироқ» мусобақалари Ҳамза туманидаги 282-мактабда ўтказилди. Унда ёш беллашувчилар жароҳат олганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, ДАН ходими таёғи билан ишлаш, ҳарбийчасига юриш каби 12 та савол бўйича билим ва иқтидорини намойиш этишди. Қизиқарли ўтган мусобақада фахрли биринчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ҳамда Акмал Икромов туманидаги 193-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб ҳамда Ҳамза туманидаги 166-мактаб ўқувчилари эгаллашди.

Суратларда: С. Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг ёш ДАН ходимлари жароҳатланган болага илк ёрдам кўрсатиш борасидаги маҳоратини намойиш этишяпти. Сирғали туманидаги 237-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Илҳом Каримов велосипед миниш қоидалари бўйича мусобақа ҳакамларига имтиҳон топширяяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида «психология (халқ таълими тизимида амалий психолог)» йўналиши бўйича халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш махсус факультетига

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ БОШЛАНДИ.

Факультетда ўқиш шакли кундузги. Ушбу бўлимда тингловчилар ишдан ажралган ҳолда ўқийдилар (ўқиш муддати 9 ой бўлиб, асосий иш жойидаги ўртача маоши сақланади).

Факультетга қабул қилиниш учун қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

Туман ХТБ (шаҳар ХТБ, вилоят ХТБ) йўлланмаси, олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси ва имтиҳонлар варақасидан кўчирма, иш жойида тасдиқланган шахсий варақа, 4 та 3х4 ҳажмдаги сурат.

Тингловчиларга ётоқхона берилади.

Машғулотлар 1 октябрдан бошланади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти касаба уюшмаси ва мактабгача тарбия факультети жамоаси мактабгача тарбия педагогикаси кафедрасининг собиқ доценти Клара Исмоиловага қизи Нозимахон ОДИЛОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети жамоаси шу факультет профессори А. Пўлатовга онаси Сабура ая ФОЗИЛОВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Лукмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6